

Яхши сўз Аллоҳнинг ҳидояти



10:05 / 12.12.2019 2031

Одамлар билан бўладиган муомалада ўзимизни қандай тутишни белгилаб берувчи қоида Аллоҳ азза ва жалланинг **«Одамларга яхши сўз айтинг»** (*Бақара сураси, 83-оят*) деган қавлидир.

Яхши сўз нафақат маъноси яхши, балки, айтиш услуби ҳам яхши – юмшоқлик, лутф билан айтилган сўздир.

Яхши сўз Аллоҳнинг ҳидояти, бандаларига кўрсатган чексиз марҳаматидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда **«Улар яхши сўзга ҳидоят қилинурлар»** (*Ҳаж сураси, 24-оят*) деган.

Яхши сўз пайғамбарларнинг рисолати, мўмин бандаларнинг сифатидир. Аллоҳ таоло яхши сўзга чақириб **«Бандаларимга айтгин, улар гўзал нарсаларни гапирсинлар»** (*Исро сураси, 53-оят*) деган.

Яхши сўз қалб сурури, солиҳ амалнинг руҳидир. Мўминнинг қалби тилига мувофиқ бўлса, барча аъзолари ана шу қалбга бўйинсунса, яхши сўз шубҳасиз ўз самарасини беради. Бу ҳақда Аллоҳ азза ва жалла **«Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амал кўтарур уни»** (*Фотир сураси, 10-оят*) деган.

Биз мусулмону кофир, солиҳу фожир, каттаю кичиклар билан бўлган барча мулоқотларимизда айнан шу қоидага муҳтожмиз. Ҳатто ота-онамиз, турмуш ўртоғимиз, фарзандларимиз, қўл остимиздаги ходимларимиз билан бўладиган мулоқотимиз ҳам ана шу қоида асосида бўлмоғи лозим.

Аллоҳ азза ва жалла ўзининг мўмин бандаларини мақтаб «...жоҳиллар уларга хитоб қилса, **«Салом», дейдилар»** (*Фурқон сураси, 63-оят*), дея марҳамат қилган. Яъни жоҳиллар уларга бўлар-бўлмас гапларни айтиб, безовта қилсалар уларга қарата «Саломат бўл», деб хушмуомала бўладилар. Бу улардан қўрққанлари ёки заиф эканлари сабабли эмас, балки олижаноб ва гўзал хулқли бўлганларидандир.

Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга гўзал намунадирлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қўпол, дағал эмас эдилар, балки, хушмуомала, юмшоқ, очиқ чеҳрали эдилар. Одамларга, ҳатто ёш болаларга ҳам салом берар, қўл бериб кўришар, ҳаммага яхши муомала қилар эдилар.

Имом Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳақиқий мўмин одамларга таъна қилувчи, уларни лаънатловчи, фаҳш сўз сўзловчи, ёмон хулқли эмас», дея марҳамат қилганлар.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «... яхши сўз садақадир...», деганлар. Яхши сўз бандани дўзах ўтидан ҳам ҳимоя қилади. Имом Аҳмад «Муснад»да келтирган ривоятда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзах ўтидан сақланинг, агар топа олмасангиз яхши сўз билан», деганлар. Яхши сўз иймон шўъбаларининг биридир. Расулulloҳ бу ҳақда «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши сўз сўзласин ёки сукут қилсин!» деганлар. (*Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган*)

Шунинг учун салафи солиҳларимиз оғизларидан чиқаётган ҳар бир сўзни доимо назорат қилар, чиройли лафзлар ва гўзал ибораларни ихтиёр қилишга интилар эдилар.

Ваҳб ибн Мунаббих айтади: «Қай бир инсонда уч нарса бўлса, яхшиликка эришибди: сахийлик; бало-офатларга сабр қилиш ва ширин сўз». Дарҳақиқат ширин сўз кўнгиллардаги кек ва адоватни ювиб, ашаддий душманни ҳам меҳрибон дўстга айлантиради.

Нодирбек Хидиров